



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 10 июнь, № 121 (7901)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР ДАВЛАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июнь куни Қатар Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Кўп қиррали Ўзбекистон — Қатар муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик суръати кейинги йилларда жадаллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, юқори даражадаги ташрифлар ва сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди, товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда. Ишбилармонлик ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни рағбатлантириш мақсадида Қатар фуқаролари Ўзбекистонда бўлиши учун виза тартиби соддалаштирилди.

Ўзбекистон Президенти Қатар Амири шайх Тамим Ол Сонийни расмий ташриф билан мамлакатимизга келишига яна бир бор таклиф этди.

Қатар делегацияси раҳбари, ўз навбатида, илик қабул учун Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдириб, Қатар Амирининг саломи ва эзгу тилақларини етказди. Суҳбатда давлатимиз раҳбари биринчи навбатда савдо, инвестициявий, инновациявий, молиявий-техник соҳаларда, шунингдек, куни кеча имзоланган Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматларо битимга мувофиқ — транспорт соҳасида амалий шерикликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш муҳим эканини таъкидлади.

Кўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш, Қатарнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтларини жалб қилган ҳолда санаот тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни ишга тушириш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, инфратузилмани модернизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, таълим, фан, маданият ва зиёрат туризми соҳаларида алмашинув дастурларини амалга оширишдан икки мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди. Халқаро сиёсатга доир ва минтақавий кун тартибидеги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қатар ташқи сиёсий идораси раҳбари Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятини тинч йўл билан ҳал этишга ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон — Қатар: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимизга ташриф билан келган Қатар Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний билан учрашди.

Айтиш жоизки, бу Қатар ташқи сиёсат идораси раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир.

Музокаралар чоғида сиёсат, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон — Қатар муносабатларининг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболлари, томонларнинг халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги муҳокама қилинди.

Турли даражаларда бўлиб ўтгадиган расмий учрашувларнинг жадвали ва ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилди. Томонлар Афғонистондаги тинчлик жараёнини илгари суриш, унинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини қайта тиклаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Шу йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференцияда Қатар томонининг иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида Ҳаво қатнови тўғрисидаги битим имзоланди. Унга кўра, Доха — Тошкент — Доха йўналишида тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Қўзда мамлакатимизда ўтадиган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб, у нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболда янада барқарор ривожланиши учун улкан аҳамиятга эгадир.

«Сайлов — 2021»

Сўнгги йилларда демократик, ташқи дунё учун очик ва рақобатбардош янги Ўзбекистонни қуриш доирасида фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ҳамда сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлган умумий, тенг, тўғридан-тўғри, аширин овоз бериш тамойилларига таянган ҳолда сайлов ҳуқуқини таъминлаш, сайловларни эркин ва адолатли, очик ҳамда ошқорлашга оид ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, жумладан, замонавий демократик сайлов тизимини ривожлантиришга қаратилган изчил чоралар қўрилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги шу давргача бўлиб ўтган сайловлар давомида тўпланган миллий тажриба, илгор хорижий сайлов амалиёти, шунингдек, халқаро стандартлар, фуқароларнинг сиёсий онги ҳамда электорал маданиятининг ўсиши, амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг бориши ва талабларини ҳисобга олган ҳолда жадал такомиллаштириб бормоқда.

Шу ўринда янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ривожланишининг куйидаги уч босқичини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич — алоҳида сайлов қонунларидан Сайлов кодекси сари

Қонунчиликни кодификация қилиш масаласи тизимли равишда ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ва амалдаги қонунчиликни чуқур ҳамда ҳар томонлама қайта кўриб чиқиш баробарида, эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, янги ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқиш ва миллий ҳуқуқий тизимни комплекс равишда ривожлантиришни талаб этади.

Хусусан, хорижий давлатларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби оддий қонунлар, конституциявий қонунлар ёки сайлов кодексларини қабул қилиш йўли билан тартибга солинади. Шу билан бирга, дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатларида сайловларни Сайлов кодекси ёрдамида ҳуқуқий тартибга солиш модели қўлланилади.

Янги Ўзбекистон ҳам сайлов қонунчилигини кодификация қилиш йўлини танлади. 2019 йилда илгари тарқоқ бўлган бешта сайловга оид қонун ўрнига ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Мазкур Кодекс мамлакатнинг барча сиёсий қучлари ҳамда партиялари, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида умумхалқ муҳокамаси асосида ишлаб чиқилди. Унда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, чет эллик кузатувчилар, ШХТ, МДХ, ИХТ каби бир қатор халқаро ташкилотлар миссияларининг Ўзбекистонда ўтган сайловлар бўйича тавсиялари ҳисобга олинган. Хусусан, 2016 — 2019 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар бўйича ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 29 та тавсияси Ўзбекистон сайлов қонунчилигида тўлиқ, саккизтаси қисман бажарилган, қолганлари эса, экспертлар томонидан ўрганилмоқда.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши, ўз навбатида, янги Ўзбекистонни демократлаштириш ва либераллаштириш, фикрлар хилмаҳилигини қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп партиявийлик йўлидан барқарор ривожланиш ифодаси сифатида намоён бўлди.

➡ 4

Халқаро эътироф

Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг юқори поғоналарида аёлларнинг вакиллиги бўйича парламентлараро иттифоққа аъзо 130 дан зиёд мамлакатдан ўзиб кетди

Women in Politics: 2021



Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) расмий веб-саҳифаси 2021 йил учун «Сиёсатда аёллар» инфографикасини эълон қилди. Бу ҳақда Женевадан «Дунё» АА хабар қилмоқда. Унда аёлларнинг турли мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматларидаги вакилликка оид статистика келтирилган.

➡ 2

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоларининг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Ижтимоий сиёсат бўйича қўмитаси аъзоси Ю. Архаров бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Учрашувда Ўзбекистонда ижтимоий соҳада қонунчиликни такомиллаштириш борасида баҳарлашган ишлар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва илмий фаолият йўналишларида парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболдаги режалар ҳақида атрафлича маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи».

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади ДЕПУТАТ СЎРОВИ НАТИЖАДОРЛИГИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган тадбирда парламент назорати институтларидан самарали фойдаланиш масалалари депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Айниқса, ижро ҳокимияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолияти сезиларли даражада жонлангани таъкидланди. Ўтган даврда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати механизмларини қучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамлангани айтиб ўтилди.

Тадбирда парламент назорати воқеаларидан бири бўлган «депутат сўрови» институти, унинг аҳамияти ва

моҳияти, ундан самарали фойдаланиш масалалари ҳақида сўз борди.

Депутат сўрови парламент назоратини амалга оширишнинг муҳим ва самарали усулидан бири ҳисобланади. «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда парламент куйи палатаси депутати давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 292 та депутат сўрови юборилган. Шундан 128 тасига белгиланган муддатда жавоб берилди.

➡ 2

Дўстлик ришталари



Ўзбекистон — Тожикистон: Ишонч, дўстлик ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилиш ва қатъий ирода

Ўзбекистон ва Тожикистон умумий тарих ҳамда маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган, тарихан Буюк Ипак йўлининг ўта муҳим бўғини ҳисобланган Марказий Осиёнинг икки давлатидир.

Икки мамлакат халқларининг мустаҳкам дўстлиги, яхши қўшничилиги ва бир-бирлари ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган кўп асрлик тарихий ҳамда маданий муштараклиги мамлакатларимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейинги 30 йил давомида ҳам ўзаро муносабатлар ривожига асосий омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари 1993 йил 4 январда имзоланган «Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома ҳамда 2000 йил 15 июнда «Абадий дўстлик тўғрисида»ги шартнома ва 2018 йил 17 августда имзоланган «Стратегик шериклик тўғрисида»ги шартномада муҳрланган.

Икки қардош давлат етакчиларининг сиёсий иродаси ҳамда биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йиллар давомида мутлоқ янги амалий мазмун билан бойилган ҳолда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

➡ 2

«Халқ сўзи» учун махсус

Элчи Абдужаббор РАҲМОНЗОДА:

ТОЖИКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МИСЛСИЗ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи арафасида ушбу мамлакатнинг Тошкентдаги элчиси Абдужаббор Раҳмонзода «Дунё» ахборот агентлигига эксклюзив интервью берар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг замонавий тараққиёти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

— Элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга ташрифи арафасида ўз миссиянгизни бажаришга киришдингиз. Икки томонлама муносабатларимиз учун муҳим воқеа бўладиган мазкур ташрифдан Тожикистон томони нималарни кутаётгани хусусидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Энг аввало, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида фаолият кўрсатиш мен учун катта шараф эканини айтишни истар эдим. Мамлакатингиз билан муносабатлар биз учун, шубҳасиз, устувор аҳамиятга эга.

➡ 2

Ўзбекистон – Тожикистон: Ишонч, дўстлик ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилиш ва қатъий ирода



Икки давлат раҳбарлари 2018 йил март ва сентябрь, 2019 йил ноябрь ойларида бўлиб ўтган ўзаро ташрифлар, шунингдек, Саудия Арабистони пойтахти Ар-Рияддаги Араб-мусулмон давлатлари ҳамда АКШ раҳбарлари саммити (2017 йил, май), Нур-Султон шаҳридаги ШХТ саммити (2017 йил, июнь), Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги беллашувлар бўйича V Осий йўналишининг очилиш маросими (2017 йил, сентябрь), Москвадаги МДХ норасмий саммити (2017 йил, декабрь), Нур-Султон шаҳрининг 20 йиллик юбилеи (2018 йил, июль), Пекиндаги "Бир макон, бир йўл" иккинчи форуми (2019 йил, апрель), Ашхободдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши (2019 йил, октябрь) сингари муҳим халқаро тадбирлар доирасида учрашди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Президент Эмомали Раҳмоннинг Тожикистон таъминий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида йўл-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда, 2018 — 2028 йилларда "Сув барқарор ривожланиш учун" халқаро ҳаракатлар ўн йиллик тўғрисидаги ташаббусини оқши-ламоқда.

инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов ҳамда Тожикистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Давлатали Саид икки томонлама савдо-иқтисодий, сарможий ва минтақаларо ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати, истиқболлари, Ўзбек ҳамда тожик ишбилармонлар ҳамжамиятини яқинлаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар.

9 июнь куни Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги Бохтар шаҳрида Ўзбекистон — Тожикистон 1-минтақаларо форуми иш бошлади. Ушбу анжуман чоғида икки томонлама йирик сарможий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳужжатлар ва савдо битимларининг имзолаш режалаштирилган.

Икки мамлакат пойтахтларида ўзаро миллий кўргазмалар ва бизнес форумларининг муваффақиятли ўтказилаётгани ҳам икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлиги рағбатлантиришдан манфаатдорлиги юқори эканидан далolat беради. Бундай тадбирлар ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишига ҳамда салмоқли ҳаммадди савдо битимлари ва шартномаларининг имзолашига кўмаклашади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлари оралигида икки томонлама алоқалардаги масалаларнинг бутун мажмуини ҳал этишининг самарали ме-хан



новни тикланди. Ҳозирги пайтда корона-вирус пандемиясидан кейин тўлақонли халқаро автобус қатновини қайта йўлга қўйиш устида биргаликда ишлар олиб боришмоқда.

Икки мамлакат шаҳарлари ўртасида аввалги автомобиль, темир йўл ва авиақатновларни тиклаш ҳамда янги-ларини очиб Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий-гуманитар алоқаларнинг ҳам фаоллашувига кўмаклашди, улар ҳар икки мамлакат учун устувор аҳамиятга эгадир. Шубҳа йўқки, қон-қардош-

фарга яқин Ўзбекистон фуқароларининг она тили, маданияти, анъана ва урф-одатларини асраш ҳамда ривожлантири-ши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган.

Бунга даъват этилган икки мамлакат-даги миллий маданий марказлар фаоли-яти ҳам ушбу эзгу ишга кўмаклаш-моқдаки, уларнинг самарали фаолияти учун қўлай шароитлар яратилган.

Айни чоғда Тожикистонда ўзбек ти-лини, Ўзбекистонда тожик тилини ўрга-ниш ва ўқитишни тақомиллаштириш, тожик ҳамда ўзбек тилларидаги таълим асосида умумтаълим ўқув муассасала-ри тармоқини кенгайтириш масалала-рига эътибор қаратилмоқда.

Самарқандда тожик мўлтоз адабиёт-ининг буюк вакили Абдураҳмон Жомий ҳайкалининг ўрнатилгани, Садриддин Айний музейи реконструкция қилингани ҳамда Душанбеда Алишер Навоий хай-бони барпо этилгани, ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири ҳайкали ўрнатилгани икки халқ тарихий ҳамда маданий умумийлигининг раъми бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Тожи-кистон давлат chegarасидаги ўтказиш пунктлари фаолияти, шунингдек, икки давлат фуқаролари визасиз ўзаро бор-ди-келдиларининг қайта йўлга қўйил-гани халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ ришталарининг янада мустаҳкамла-нишига кўмаклашмоқда.

Жаҳон тамадунининг энг қўна бе-шикларидан бири — Марказий Осийе минтақасининг бундан кейинги тақдир-и ўрта аср илм-фанининг ва маънавия-тининг шухратини қайта тиклаш мақса-дидаги тўғридан-тўғри самарали ҳам-корликка боғлиқ эканига Тошкент ва Душанбенинг ишонч қомилдир.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи давлатларо ҳамкор-лик салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим қадим бўлади, анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабат-ларини ҳар томонлама ривож-лантиришга ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади, шунингдек, Марказий Осийе минтақасида тинчлик, барқарор-лик, хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлашга кўмаклашади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлагани-дек: "Ўзбек ва тожик халқлари бир да-рахтининг икки шохига, битта дарёнинг икки irmoғига ўхшайди. Бизнинг му-қаддас динимиз, еримиз ва сувимиз йў-қубунчи ташвишларимиз, тақдирим-из муштарак. Аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, халқла-римиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак".

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЮҚОРИ ПОҒОНАЛАРИДА АЁЛЛАРНИНГ ВАКИЛЛИГИ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚҚА АЪЗО 130 ДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН ЎЗИБ КЕТДИ

Таъкидлаш жоиз-ки, давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган устувор эътибор натижасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бу эса давлат ҳокимияти органларининг юқори поғоналарида аёллар вакиллигининг кўпайиши ва давлат идораларидаги сафининг кенгайишига олиб келди.

Парламентларо Иттифок маълумотига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёда 45-ўринни эгаллаб турибди. Айни чоғда бу билан Ўзбекистон ПИга аъзо 130 дан ортик давлатлар, жумладан, Германия, Австралия, Канада, АКШ, Марказий Осийе мамлакатларидан ўзиб кетди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз аёллар парламента раҳбарлик қилидиган ва ҳукумат тарихига қирадиган давлатлар рўйхатида киритилган. Қайд этиш керакки, хоржилик

ҳамкорлар Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлик қилаётган Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолиятини юқори баҳоламоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Парламентларо Иттифок 1889 йилда ташкил этилган. У 179 мамлакат парламента-ларини бирлаштирувчи парламента-ларо мулоқот учун энг йирик майдон ҳисобланади. Ташкилот таркибига, шунингдек, 13 та худудий парламентларо мулоқот учун энг йирик майдон ҳисобланади.

Ўзбекистон Парламентларо Иттифокга 1992 йили аъзо бўлган.

2019 йилнинг октябр ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган ПИ Иккинчи кўмитаси аъзоси этиб сайланди. Кейинчалик у Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига, шунингдек, ташкилотнинг Молия кўмитаси аъзолиги-га тайинланди.

ДЕПУТАТ СЎРОВА НИҲАТДА НАТИЖАДОРЛИГИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Қайд этилгани-дек, бугунги кунда амалиёт депутатлик корпуси вакиллари тўлақонли фаолият олиб боришига тўсқинлик қилувчи айрим масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Улардан бири, бу депутат сўровлари мақсаддор шахсларнинг совуққонлик билан қараётгани. Яъни депутат сўровига мансабдор шахслар ўз вақтида жавоб бермаслик, мувадди кечиктирган ҳолда жавоб қайтариш, сўров йўналтирилган мансабдор шахснинг ўзи томонидан эмас, балки бошқа шахслар томонидан жавоб қайтариш, баъзи ҳолларда умуман жавоб қайтармаслик (кўпроқ маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сўровларига) ҳолатлари ҳам учраётган.

Тадбирда иштирокчилар томонидан депутатлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, мансабдор шахсларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш, сайловчиларнинг муаммоларига самарали ечим

топиш мақсадида қатор тақлифлар билдирилди.

Хусусан, фракцияларда рўйхатга олинган депутатлик сўровларининг ягона базасини яратиш ва уни икки электрон тармоққа жойлаштириш лозимлиги айтилди. Ушбу электрон базага қараб халқ вакиллари тегишли масалалар муқаддам депутат сўрови юборилган ёки юборилганини аниқлаб олади. Бу эса айнан бир давлат органига бир хил масалада такрор депутат сўрови юборилишининг олдини олишда муҳимдир. Қолаверса, депутатлар муқаддам юборилган депутат сўровининг натижасига қараб кейинги ишларини режалаштириш имконига эга бўлади.

Тадбирда депутат сўровларининг ўз вақтида ижро этилиши устидан самарали ва таъсирчан назоратни ўрнатиш юзасидан билдирилган тақлифлар умумлаштирилиб, мазкур инсти-тутни янада тақомиллашти-ришга келишиб олинди.

Мунисхон КАРИМОВА.

Элчи Абдужаббор РАҲМОНЗОДА:

ТОЖИКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МИСЛСИЗ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА



Дарҳақиқат, менинг бу масъулиятим лавозимига тайинлангани Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларнинг Тожикистонга расмий ташрифида муҳим тадбир арасига тўри келди.

Менинг биринчи гапимда визам, таъбиқли, икки томонлама муносабатлар учун муҳим аҳамият касб этилган ушбу ташрифининг олий даражада ўтказилиши билан боғлиқдир. Бил-сизки, ташриф арасида қатор йил-лик тадбирлар, жумладан, Тошкентда икки мамлакат Бош вазирлари раис-лигида Савдо-Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Яна бир тадбир — 9 июнь куни мамлакатларимиз ишбилармон дои-ралари иштирокида биринчи Тожики-стон — Ўзбекистон минтақаларо сар-можий форумининг ўтказилиши бўлди. Бундай анжуманларнинг ташкил эти-лиши нафақат ўзаро мулоқотни мус-таҳкамлаш, балки савдо-иқтисодий

ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш имконини ҳам беради. Ушбу форум доирасида Бохтарда 730 мил-лион АКШ доллари миқдоридagi би-тимлар имзоланди, 50 миллион АКШ доллари ҳажмидаги устав капитали билан қўшма инвестиция жамғармаси ту-зиш тўғрисидаги келишувга эришил-ди. Мазкур жамғарма иқтисодийнинг турли жаҳабларда истиқболли қўшма лойиҳалар амалга оширилишига кўма-клашади.

Шу билан бирга, "Тожикистон Рес-публикаси ва Ўзбекистон Республика-си ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг янги "ўсиш нукталари" мавзусига ба-ғишланган конференция бўлиб ўтди. Унда икки ҳамда кўп томонлама ҳам-корликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқ-боллари, шунингдек, муносабатларни янада кенгайтириш йўллари муҳокама этилди.

Биз ушбу ташрифини ўзаро алоқа-ларимизга янги туртки берадиган ҳам-да Тожикистон — Ўзбекистон ҳам-корлигининг мазмунан бой устувор-ликларини белгилаб берадиган имко-ният сифатида кўрмоқдамиз. Тожик — ўзбек муносабатларининг сифат жиҳа-тидан янги даражага олиб чиқишга имкон беришни кен доирадаги маса-лаларни қамраб олган салмоқли ҳуж-жатлар таҳлили имзолаш учун тайёр-ланди.

Барчамизга яхши маъ-лумки, кейинги йиллар даво-мида мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларида туб ил-қимчиликлар рўй бер-ди, кўпгина мураккаб маса-лалар бўйича ўзаро мақбул қарорларга эришилди, савдо

ва маданий алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Яхши қўшничиликнинг мустаҳкам-ланиши, ҳамкорлигимиз фаоллашувига кўмаклашган асосий омиллар ҳақидаги фикрларингизни ўртоқлаш-сангиз.

Дарҳақиқат, халқларимиз давлатларо муносабатларининг тур-ли даврларини бошдан кечирди, бироқ шуни ишонч билан айтишимиз мумкин-ки, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида бирон-бир соҳада ҳал этил-маган муаммолар қолмаган.

Биз тожик — ўзбек стратегик ше-риклиги йўлида тобора кенгайиб бо-раётган самимий яхши қўшничилик му-носабатларини қадрлашимиз. Бундай алоқаларимизни қўл асрлар давомида халқларимиз ўртасида мавжуд бўлган жуда бой дўстлик ришталари ҳамда ўзаро ҳурмат анъаналарига асослан-ган.

Айтиш мумкинки, тожик — ўзбек муносабатлари бугунги кунда ўта юқори маррада, икки мамлакатнинг ҳар томонлама стратегик шериклиги ри-ноят сифатида кўрмоқдамиз. Тожик — ўзбек муносабатларининг сифат жиҳа-тидан янги даражага олиб чиқишга имкон беришни кен доирадаги маса-лаларни қамраб олган салмоқли ҳуж-жатлар таҳлили имзолаш учун тайёр-ланди.

Икки давлат етакчилари — Тожи-кистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бундай яратувчанлик жа-рағига сабаб бўлишайтир. Биз барча даражада ўзаро ҳамкорликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш қарорига қатъиймиз.

Савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама алоқаларининг муҳим қир-раларидан бири ҳисобланади. Бу йўна-

лизи вазифасини ўташи баробарида, ўзаро ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини ҳам белгилаб бер-моқда.

Икки давлат минтақалари ўртасида-ги алоқалар Минтақаларо ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо битимга мувофиқ изчил кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Тожи-кистон капитални иштирокчида фаолият кўрсатадиган 199 та корхона мавжуд. Уларнинг 107 таси қўшма корхона, 92 таси эса оз фойда Тожикистон капи-тали асосида ташкил этилган.

Икки давлат транспорт-коммуника-ция имкониятлари ва транзит салоҳия-тининг ҳар томонлама ишга солиш бўйи-ча ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу йўна-лишда янги транзит автомобиль, те-мир йўл, ҳаво қатнови йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. 2017 йили Тошкент ва Душанбе ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатнови очилди. 2018 йили Ғалаба — Амузган йўналишида темир йўл қат-

лик ришталари билан боғлиқ кетган халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар давлатларо муносабатлар-ни мустаҳкам ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда икки мамлакат илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўрта-сида яқин алмашинувлар йўлга қўйил-ган, турли қўшма тадбирлар — мада-ний ҳамда кино кўнари ўтказилмоқда, халқаро маданий тадбирларда тожик ва ўзбек жамоалари, илмий конференция ҳамда семинарларда икки мамлакат-нинг олимлари иштирок этмоқда.

2020 йил сентябрь ойида Сўғд ви-лоятининг Спитамен туманида Ўзбе-кистон томонидан қурилган 630 ўқув-чи умумтаълим ўрта мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг 240 дан зиёд мактабларида эса таълим тожик ти-лида олиб борилади. Бу мамлакат-мизда истиқомат қиладиган тожик мил-латига мансуб бўлган 1,6 миллион на-

Норис САИДАЛИЕВА суҳбатлашди.

Брифинг
«ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ!»

Шу йилнинг 10 — 24 июнь кунлари юртимизда «Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди!» шиори остида Барқарор ривожланиш ҳафталиги бўлиб ўтади.

Мазкур нуфузли анжуман олдида пойтахтимизда ташкил этилган брифингда ҳафталикнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда БМТнинг юртимиздаги таркибий тузилмалари ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбир доирасида парламент палаталари кўмиталари томонидан бир қатор давра суҳбатлари уюштирилади.

Тадбир 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда глобал парламентларо ҳамкорлик» халқаро форуми билан якунланади. Бу форум Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо ҳамкорлиги мустаҳкамлашга, ўзаро таъриба алмашишга ҳамда янги гоё ва ташаббусларни илгари суришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқаро форум доирасида:

- Барқарор ривожланиш мақсадларининг самарали бажарилишини таъминлашда парламентнинг роли;
бу мақсадларни амалга оширишга оид тадбирларни молилаштириш;
Барқарор ривожланиш мақсадларининг статистик кўрсаткичларини шакллантириш;
бу борада фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчиликнинг иштироки;
мазкур мақсадлар бажарилишида парламент назорати, мониторинг ва баҳолашнинг аҳамияти;
шу йўналишда дунё парламентлари ўртасида халқаро мулоқот ҳамда глобал ҳамкорликни ривожлантириш ва бошқа қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Брифингда, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича олдимизда турган муҳим масалалар, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда мазкур йўналишда жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир яна қатор масалалар ҳусусида ҳам сўз юритилди.

«Халқ сўзи».

МУТЛАҚО ТЎҒРИ ВА НИҲОЯТДА ОҚИЛОНА ҚАРОР

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 июнда қабул қилинган «Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини кўпайтиришга, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Нуқтаи назар

Унга мувофиқ, замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини, биринчи навбатда, унда етиштириладиган маҳсулотлар бўйича импортни қисқартириш, зарур ускуна ва техникалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига уддалаш, иссиқхоналар ҳосилдорлигини ҳамда самарадорлигини йил давомида ҳосил олиш амалиётини жорий этиш орқали ошириш юртимизда замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белги-ланди.

Эндиликда хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий, энергия тежамкор ускуна-жиздорлардан фойдаланган ҳолда иссиқхона ҳўжалиғига эга бўлиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини етиштириш истагини билдирган аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ташаббускор аҳоли томоқчалари, хонадонларида майдони каммида 10 сотих бўлган иссиқхоналар барпо этилади.

Яна бир муҳим жиҳат, қарорда уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилиши ҳам белгилаб қўйилди. Бунда лойиҳа доирасида давлат шериғи қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирадаги ҳосилдорлиғи паст бўлган пахта, гағладан қисқарган, яроқсиз деб топилган боғ ҳамда тоқзорлар жойлашган бўш ер майдонларини инвесторлар ўртасида ўтказиладиган очиқ танлов якунлари бўйича ижара ҳуқуқи асосида ажратган ҳолда, уй-иссиқхона мажмуасига ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилишини таъминлайди.

Инвесторлар эса лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг тайёрланиши, экспертизадан ўтказилишини таъминлаб, уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш, жиҳозлаш ҳамда эксплуатация қилишга оид лойиҳаларнинг концепцияси, лойиҳасмета ҳужжатларини «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунда белги-ланган тартибда ишлаб чиқади. Ўз навбатида, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ қурилиш,

жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш харажатлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини ўз маблағлари ёки қонунчилик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

Ташаббускор аҳоли уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб келишилган муддатга тузилган шартнома асосида уй-иссиқхона мажмуаларида ўзини ўзи банд қилган ҳолда фаолият олиб боради ва уларда маҳсулотлар етиштириш билан шуғулланади. Келишилган муддат якунланганидан сўнг уй-иссиқхона мажмуаларини мулк ҳуқуқи асосида, улар жойлашган ерни ижара ҳуқуқи асосида бепул қабул қилиб олиб, келгусида ундан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридан уй-иссиқхона мажмуалари қурилиши учун инвесторларнинг ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар жалб этилиб, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш ишлари маҳаллий ҳокимликларнинг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмалари асосида амалга оширилиши ҳам назарда тутилган.

Ҳужжатда яна бир муҳим масаланинг ечими кўрсатиб ўтилгани катта аҳамиятга эга. Жумладан, уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикаси-



да ишлаб чиқарилмайдиган йиғилмайдиган алоҳида қисмлардан иборат тайёр ҳолдаги замонавий иссиқхоналар 2021 йилнинг 31 декабрига қадар божхона божидан озод қилинапти.

Қолаверса, иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларини ишлаб чиқариш учун хориждан олиб келинадиган, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, хом ашёлар ҳамда бутловчи қисмлар 2023 йилнинг 31 декабрига қадар божхона божидан озод этилиши ҳам айнаи мудоао бўлди. Иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуалари учун ер солиғи ставкалари, уй-иссиқхона мажмуалари таркибидеги тураржойлар учун

мол-мулк солиғи ставкалари улар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб уч йил давомида 50 фоиз миқдориде ўрнатилиши эса мутлақо тўғри ҳамда ниҳоятда оқилона қарордир.

Шу жиҳатдан мазкур қарор давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликнинг ривожланишида дастуриалмаб бўлиши, шубҳасиз.

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

Муносабат

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ОИЛАЛАРГА ФАЙЗ-БАРАКА КИРАДИ

Инсон борки, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирини истайди. Бунинг учун эса, аслида, жуда кўп нарса керак эмас. Агар бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтсак, муқим иш жойи, яхши маош бўлса, етарли. Зеро, ўз иш жойига эга инсон оиласига, элу юртга наф келтиради, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга камарбаста бўлади.

Куни кеча Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган тадбиркорлик ва хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича берилган топшириқлар ижроси ҳамда чорвачиликни янада равнақ топтириш ҳамда озука базасини кенгайтириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ана шу долзарб масалага қаратилган билан аҳамиятли бўлди.

Унда қишлоқ ҳўжалиғи, тадбиркорлик ва хизматларни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга, шунингдек, чорва, парранда ҳамда балиқ маҳсулотларини кўпайтириш бўйича вази-фаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан жорий йилда Бандлик дастури асосида 457 минг доимий янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилгани таъкидланди. Очигини айтганда, бу

йўналишларда бизда катта имкониятлар мавжуд. Гап шундаки, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиғига оид қарорлар ижросини таъминлаш орқали янги иш ўринларини 1,5-2 бараварга ошириш мумкин.

Ҳўш, бунинг учун нима талаб этилади?

Бу саволнинг жавоби, яъни иммалар қилишимиз кераклиги видеоселекторда аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди. Жумладан, халқаро ва вилоятларо магистраль йўллар ёқасида турли савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектилари ташкил этилади. Шаҳар ва туманлар марказларида махсус кўчалар, ҳар бир туман маркази ҳамда маҳаллада турли хизматлар йўлга қўйилади. Ана шу эзгу ишлар рўёбга чиқарилган, шаҳар ва туманлар марказлари ҳамда маҳаллаларимиз қандай чирой

очишини тасаввур қилиш қийин эмас. Энг муҳими, каммида 150 мингта иш ўрни яратилиши. Бу, 150 мингта оиланинг турмуши бут бўлади, уларда камолга етаётган ўғил-қизлар ўзларининг эртанги келажаги йўлида ўқиби-изланиш учун кенг имкониятларга эга бўлади, деганидир.

Умуман, видеоселекторда бугунги кун учун ниҳоятда муҳим бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи, давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, теран таҳлил қилинди. Нафақат таҳлил қилинди, шу билан бирга, ушбу мақсадга эришиш йўллари кўрсатиб берилди.

Вазифалар аниқ, эндиликда уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида биз, сенаторлардан ҳам яна фаолроқ бўлиш талаб этилади. Ана шунда Юртбошимиз ниятлагандек, янги-янги иш жойлари очилади, оилаларга тўқинлик ва файз-барака киради.

Эркин ГАДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси.

ЕРНИНГ ЭҒАСИ — ХАЛҚ, У ЯНА ХАЛҚҚА БЕРИЛАДИ

Халқимизнинг ерга бўлган муносабати қадрият даражасига кўтарилган. Негаки, ер ризқ-рўзимиз манбаидир.

Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган қишлоқ ҳўжалиғи ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, ана шу ҳаётий ҳақиқат асосида, аҳоли бандлиғига эришишнинг муҳим омилларидан бири сифатида ер бериш масаласи илгари сурилди.

Яъни Сурхондарёда бошланган таъриба асосида ишсиз аҳолига қишлоқ ҳўжалиғи ерларини 10 йил муддатга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага беришни йўлга қўйиш айтилдики, бу ерни ардоқлайдиган, уни муқаддас биладиган халқимиз дилидаги гап бўлди, десак сира мулобага эмас.

Бунинг учун нима қилинади? Дастлаб жорий йилдан бошлаб бўшаган ер майдонлари ишсиз аҳолига деҳқон ҳўжалиғи ташкил этиш учун берилади. Пахта ҳосилидан сўнг ушбу мақсадлар учун яна 100 минг гектар ер ажратилади.

Кези келганда айтиш керакки, бу борадаги эзгу ишлар Юртбошимизнинг ташаббуси билан ёшларга ер бериш тарзида бошланганига ҳали кўп бўлмади. Эндиликда бу катта тизимга айланади. Бунинг маъноси

шуки, ернинг ҳақиқий эгаси халқ ва у яна халққа берилади.

Ҳеч кимга сир эмас, ер участкаларини ажратишда ноқонуний ҳолатлар ҳозиргача кўлаб учрайди, яъни бу коррупциялашган жараёнга айланган қолганди. Эндиликда бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида 8 июнь куни «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Бу ҳужжат ерни халққа қайтариш жараёнининг шаффофлигини таъминлашга қаратилгани билан таҳсинга сазовор.

Мазкур Фармонда кўпчилик учун аҳамиятли бўлган қатор янгиликлар кўзда тутилган.

Аввало, тадбиркорлик учун ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиётидан бутунлай воз ке-

чилиётганини айтиш жоиз. Унинг ўрнига ер ҳамма учун бир хил ҳамда ошқора, электрон аукцион орқали хусусий мулк қилиб сотилади ёки ижарага берилади. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимларининг ер ажратиш ҳамда уларни қайтариб олиш билан боғлиқ ваколатлари бекор қилинди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ер ажратиш жараёни шаффоф кечеди, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг пайи кесилади.

Шу ўринда ушбу янгиликлардан келиб чиққан ҳолда айтидиган бўлсак, ишсиз, ерсиз одам ерли бўлмас, бор кучи ва билимини шунга бағишлашини тасаввур қилиш қийин эмас. Қарабисикки, орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас, заминдор инсоннинг дастурхони тўқин бўлади, хонадонларига кут-барака ётилади. Буни ишонч билан айтётганимиз боиси, халқимиз ҳамма замонда ернинг қадрини билган ҳамда ундан унумли фойдаланган.

Биз, сенаторлар видеоселектор ва Фармонда илгари сурилган вазифалар ижросида мутасаддилар ҳамда халқимизга камарбаста бўлсак, ушбу йўналишдаги эзгу ишлар тезроқ рўёбга чиқади.

Баҳоидир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиғи масалалари ва экология кўмитаси раиси.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Хурматли акциядорлар!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 30 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-ўйда жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

- Йиғилиш кун тартиби:
1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг санақ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2020 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2020 йил фаолияти якунлари бўйича кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш;
4. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2020 йил якунлари бўйича молия-ҳўжалиқ фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш;
5. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқарув раисининг 2020 йил якунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банкнинг 2021 йилдаги устувор вазифаларини тасдиқлаш;
6. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятининг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, жумладан, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш;
7. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2020 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш;
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якунлари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот ҳулосасини тасдиқлаш;
9. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва/ёки қайта сайлаш;
10. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
11. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
12. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги, «Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги ва «Бошқаруви тўғрисида»ги низомларига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш;
13. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг кундалиқ ҳўжалиқ фаолиятини юритиш жараёнида (жорий ҳўжалиқ фаолияти билан боғлиқ) аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларнинг келгусида банк томонидан мустақил амалга оширилиши учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган (кутилаётган) битимларни аниқлаш ҳамда маъқуллаш.

«Микрокредитбанк» АТБ кузатув кенгашининг 2021 йил 7 июнь кунги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 24 июнь ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 7 июнь ҳолатига тузилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йилнинг 30 июнь куни соат 9.00 дан 9.50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашди, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцадоқ тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қўйдаги телефон рақамига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин. Телефон: 71-202-99-99 (ички 1315). Банк кузатув кенгаши.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-ўйда жойлашган «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси биносида 2021 йил 30 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган «Матбуот тарқатувчи» АК акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишига таклиф этамиз.

- Кун тартиби:
1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
2. Кузатув кенгашининг 2020 йил фаолияти ҳисоботи;
3. Компания бош директорининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи;
4. Компаниянинг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағини тасдиқлаш;
5. Тафтиш комиссиясининг 2020 йил бўйича ҳисоботини эшитиш;
6. 2020 йил якуни бўйича аудит ҳулосасини эшитиш;
7. 2020 йил молия-ҳўжалиқ фаолияти якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш;
8. Компаниянинг 2021 йил учун тузилган «Бизнес-режа»сини тасдиқлаш;
9. «Матбуот тарқатувчи» АК кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
10. «Матбуот тарқатувчи» АК тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
11. «Матбуот тарқатувчи» АК бош директорини сайлаш;
12. 2021 йилда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш;
13. Компания аффилиланган шахслари билан келгусида компания томонидан кундалиқ ҳўжалиқ фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш тўғрисида.

Хурматли акциядорлар, акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) билан келишингиз, вакиллар, жумладан, ҳуқуқий шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатнома билан, жисмоний шахслар эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан қатнашишлари лозимлигини билдираемиз.

Акциядорларнинг реестрлари акциядорларга хабар бериш учун 2021 йил 1 июнь ва йиғилишда иш-

тирок этиш учун 2021 йил 24 июнь куни ҳолатларига шакллантирилади. Маълумот олиш учун телефон: 71-233-75-49. Компаниянинг веб-сайти: www.akmt.uz, электрон манзил: info@akmt.uz

Кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси Сафар ОСТОНОВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва ақилларига чуқур таъзия изҳор этади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси тарих факультети Антропология ва этнология кафедраси профессори Турсун САЛИМОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Сайлов кодексининг энг муҳим хусусиятлари куйидагилардан иборат: биринчи хусусияти, миллий сайлов қонунчилигида парламентнинг камида битта палатаси аъзоларини тўғридан-тўғри сайлашни назарда тутувчи сайловлар тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг асосий қоидалари ўз аксини топди.

Умуман олганда, 2019 йилда ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар давомида Сайлов кодексини амалда қўллаш шунч қўрсатдики, у фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқларини қатъий равишда демократик адолат, ошқоралик, очкилик ва шаффофлик тамойиллари асосида сайловларда эркин иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни, сиёсий партиялар ҳамда уларнинг номзодлари учун — сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятларни яратиб беришга хизмат қилди.



Иккинчи босқич — сайлов комиссиялари мустақиллигини ҳуқуқий таъминлаш

Сайлов кодекси ва мамлакатни демократлаштиришнинг иккинчи босқичи 2021 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, куйидаги вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилган.

БИРИНЧИСИ:

барча фуқароларнинг сайловларда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг жойлашган ери ва вақтинчалик яшаш жойларидан қатъи назар, сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш учун имкон яратиш. Биринчи бор чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароларини, уларнинг дипломатик ваколатхоналарда консуллик рўйхатидан ўтказилишидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатиغا киритиш тартиби, шунингдек, чет элда истиқомат қилаётган ёки ишлаётган жойидаги сайловчиларнинг сайлов қўтиларига овоз беришининг ҳуқуқий асослари қонун билан тасдиқланди.

ИККИНЧИСИ:

Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги барча даражадаги сайлов комиссиялари — барча сайлов ташкилотчилари тизимининг мустақиллигини мустақамлаш демократик сайловларнинг зарур ҳамда энг муҳим шартидир. Шу мақсадда МСҚ ва сайлов комиссиялари аъзоларининг мақоми қонуний равишда мустақамланди, сайлов комиссиялари номзодларнинг сайловчилар билан урчушларини ташкил этиш учун сайлов ташкилотчилари учун хос бўлган вазифалар бекор қилинди; сайлов комиссиялари тизими мақбуллаштирилди — туман (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказиладиган округ сайлов комиссияри институти тугатилди. Мақбуллаштириш натижасида 5 минг 739 та кераксиз округ сайлов комиссияси тугатилди, инсон ресурсларининг катта қисми (54 мингдан ортқ киши) озод қилинди.

Шундай қилиб, сайлов комиссияларининг барча давлат органларидан мустақиллигини таъминлаш учун зарурий ҳуқуқий шароитлар яратилди. Сайловларнинг ташкилий-ҳуқуқий даражаси, улар натижаларининг қонунийлиги, асосан, сайлов жараёнининг барча субъектлари томонидан қонунчилик қоидаларига қанчалик тўғри риоя қилинишига боғлиқдир.

УЧИНЧИСИ:

сиёсий партиялар учун сайловда ташвиқотини олиб бориш, жумладан, сайлов кампаниясини ўтказиш учун оммавий тадбирларни ташкил этишга оид янада қулай ҳуқуқий шароитлар яратиш. Сайловларнинг демократик, адолатли ва ҳалол ўтишини таъминлаш бўйича миллий, хорижий ҳамда халқаро таърибани чуқур ўрганиш асосида, Ўзбекистонда сайловларнинг конституциявий мунддатлари декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасидан октябрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасига қўйилди.

ТЎРТИНЧИСИ:

сайлов кампанияси даврида давлат ресурсларидан фойдаланишга йўл қўймаслик. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг турли аъзо давлатлардаги сайловларни кузатиш миссиялари ўзларининг яқиний ҳисоботларида устувор тавсиялар сифатида (масалан, 2018 йилда Грузияда бўлиб ўтган президент сайловлари тўғрисида) "маъмурий ресурслардан фойдаланишда суиестмоликларнинг олдини олишга оид шикоятларни самарали ва ўз вақтида қўриб чиқиш механизмини яратиш" зарурлигини қўрсатиб ўтмоқда. Ўзбекистонда миллий ҳамда хорижий таърибга ҳисобга

олинган ҳолда, давлат хизматчилари (агар у ишончли вакил бўлмаса), шунингдек, ҳарбий хизматчилар, диний ташкилотлар ходимлари ва судьялар томонидан ташвиқот ишларини олиб боришни тақиқлаш қонуний равишда мустақамланган. Бу сайловларнинг ҳолисисига, қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Иккинчи босқичнинг энг муҳим янги қоидаларидан бири — сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда уларни молиялаштиришнинг Сайлов кодексига мувофиқлаштирилиши; Президент ва парламент сайловлари ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловларнинг давлат томонидан молиялаштириш тартиби белгиланиши ва сайлов комиссиялари қарорлари устидан тушган шикоятларни қўриб чиқиш вақтининг ўн кундан беш кунгача қисқартирилди.

Сайлов қонунчилигини демократлаштиришнинг иккинчи босқичи фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, уларнинг сайловлардаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам беради ва демократик сайловларни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчи босқич — адолатли сайловларнинг ҳуқуқий асослари

Янги Ўзбекистоннинг замонавий сайлов тизими яратилиши кўп йиллик эволюцион жараён ва хар томонлама сиёсий мулоқот маҳсулидир. Умуман олганда, сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини тақомиллаштиришга қаратилган қўллаб-қўллагичлар киритилди. Хар бир, ҳаттоки, кичик бир ўзгартириш киритишда ҳам доим пухта иш олиб борилди, ўтган сайлов кампаниялари таҳлил қилиниди ҳамда таҳлиллар асосида қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Сайлов тизими бир неча йиллар давомида фаол ривожланиб борди, бу ўзгартирилган мамлакатнинг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланишининг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Сайлов кодексини сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини янада тақомиллаштириш, уни халқаро демократик стандартлар ҳамда чинакам демократик сайловлар соҳасидаги илғор таърибаларга мослаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ташаббус қўрсатди.

Янги киритилган ўзгартирилган қўйидагилардан иборат: Биринчидан, ваколатларни тақсимлашни давом эттириш ҳамда таъси (Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссиялари тизими) ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро мувозанат тамойилини мустақамлаш. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, сайлов участкаси комиссияларининг қарор қабул қилишлари учун мустақиллик ҳамда масъулиятини қучайтириш, шу билан бирга, фуқароларнинг, сайлов жараёни бошқа ишроқчиларининг сайлов комиссиялари ҳаракатлари ва уларнинг қарорлари тўғрисидаги мурожаатлари ҳамда шикоятларини қўриб чиқишда судларнинг ролини оширишни назарда тутади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, Сайлов кодексига МСҚ сайловчилар ҳамда сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларидан сайлов комиссиялари ҳаракатлари ва уларнинг қарорлари тўғрисидаги аризаларини қўриб чиқмаслиги нормаси белгилаб қўйилди.

Бу эса, ўз навбатида, шикоят ва мурожаат қилишнинг икки томонлама (МСҚ ва судга) тизимини бартараф этди, шунингдек, бир-бирига зид ҳулоса ҳамда қарорлар қабул қилинишининг олдини олади. Барча сайловга оид низолар фақат судларнинг ваколатига тегишли бўлади.

Шу билан бирга, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш сезиларли даражада қучайтирилмоқда. Сайлов кодексига мувофиқ:

- хар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт. Шу билан бирга, участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин;
- сиёсий партиялар органлари, уларнинг номзодлари, ишончли вакиллари, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссиялари қарорлари устидан судга шикоят қилишлари мумкин;
- Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов кодексига сайлов қонунчилиги субъектларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичида қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилишнинг аниқ тартиби назарда тутилган. Кодексда сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларига оид мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби белгилаб қўйилди.

Буларнинг барчаси фуқароларнинг одил судловга бўлган асосий ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам беради (низоз судда қўриб чиқиши ва ҳал қилиниши керак). Эеро, таъсис ҳокимияти фақат сайловларни ташкил этиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилиши учун шарт-шароит яратиш масалаларини ҳал этиши керак, сайлов комиссиялари ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) баҳолаш эса судлар томонидан амалга оширилиши лозим.

Иккинчидан, сайлов жараёнида сиёсий партиялар томонидан уюштирилган оммавий ийгилишлар, митинглар ҳамда намойишлар тўғрисида маълум қилиш тартибининг жорий этиш. 2019 йилда, парламент сайловлари олдидан сиёсий партиялар бутун мамлакат бўйлаб 800 дан ортқ оммавий митинглар ўтказди. Мазкур тадбирлар давомида сиёсий партияларга ҳеч қандай тўқсинлик бўлмаган ва оммавий тадбирларни ўтказиш ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисида улар томонидан мурожаатлар ҳам келиб тушмаган.

Бирок ушбу соҳада қонунчиликда муайян бўлиш мавжуд эди. Шунинг учун Сайлов кодексига партиялар оммавий тадбирларини олдидан — камида уч кун олдин — ҳокимликларга улар ўтказиладиган жой ва вақти тўғрисида маълум қилиш ҳақида меъёр киритилган. Яъни, энди рухсат бериш эмас, балки маълум қилиш тартиби ишлади.

Учинчидан, округ сайлов комиссияларининг Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича салоҳиятини қучайтириш. Яъни, қонунчиликка мувофиқ, сайловга камида етмиш кун қолганда Марказий сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиб ҳамда комиссиянинг олдидан саккизтага аъзоларидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссияси тизилиди. Бирок бу ерда ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиш керак: парламент сайловлари учун битта сайлов округи таркибиде 70 — 120 сайлов участка комиссиялари, Президентлик сайловлари пайтида эса 1000 га яқин сайлов участка комиссиялари тизилиди. Натижада Президент сайловлари давомида сайлов участка комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга самарали ёрдам бериш вазифаси анча қийинлашди. Шу боис ҳам Сайлов кодексига участка сайлов комиссияси аъзолари сони қўпайтирилди.

Учинчи босқич, шунингдек, аввалги сайловлар давомида аниқланган техник ва ташкилий муаммоларни бартараф этадиган бир қатор бошқа ийгиликларни ҳам назарда тутади. Умуман олганда, улар адолатли ҳамда чинакам демократик сайловларни ўтказишнинг умумэтироф этилган халқаро тамойилларини ҳисобга олган ҳолда сайлов қонунчилиги ва амалиётини демократлаштиришга хизмат қилади.

Аҳоли электорал маданиятини юксалтириш — шаффофлик ва адолатлилик гарови

Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, шунингдек, фуқаролар ва фуқаролик институтларининг сиёсий-ҳуқуқий онгининг тобора ўсиб бораётгани сайлов тизимини янада тақомиллаштиришнинг асосидир.

Ўзбекистон парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди. Конвенциянинг 29-моддасига биноан, иштироки давлатлар ногиронлиги борларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва улардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятини кафолатлайди, хусусан, тўғридан-тўғри ёки эркин танланган вакиллари орқали жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бошқалар билан тенг равишда самарали иштирок этиш, ҳуқуқлардан, овоз бериш ҳамда сайланиш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга бўлишини таъминлайди.

Сайлов кодекси ногиронлиги борлар томонидан овоз бериш орқали мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг барча механизминини ўзида мужассам этган. Овоз бериш хоналари имконияти чекланган одамлар учун пандуслар билан жиҳозланган бўлиши керак. Сайлов участкаларида техник жиҳозлар — столлар, баминалар ҳамда сайлов қўтилари — ногиронлиги борлар қолжасидаги сайловчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши керак.

2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар давомида сайлов комиссияларига 4 минг 158 нафар турли даражадаги ногиронлиги борлар жалб қилинган. 2021 йил май ойида Марказий сайлов комиссияси ва Ногиронлар жамияти, Қўзи оғизлар жамияти, Карлар жамияти ҳамда Ўзбекистон ногиронлар уюмаси ўрта-сида Хамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Ногиронлиги бор сайловчилар учун энг қулай шароитларни яратиш мақсадига сайлов комиссиялари томонидан бир қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилди ва тегишли зарур ахборот материаллари тайёрланди. Мамлакат Президенти лавозимига рўйхатдан ўтган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар сайлов участкаларининг ахборот талварига жойлаштирилди.

Масалан, қўзи оғиз сайловчи, шаблонга бўш бюлетенни қўйган ҳолда, рўйхатдан ўтган номзоднинг исминини Брайль алифбосини қўллаш орқали сезиши ва тегишли унинг майдонига ўзи истаган белгини қўйиши мумкин бўлади. Эшитмайдиган ҳамда эшитиш қобилияти паст бўлган сайловчилар учун овоз бериш кундида аризалар бўлса, овоз бериш жойларига сурдо таржимонлар тақлиф қилиниши мумкин. Сайлов олдидан телевидение дастурлари сурдо таржимонлар ва субтитр билан эфирга узатилади ҳамда қўзи оғизлар учун материаллар Брайль алифбосидан фойдаланган ҳолда махсус журналларда нашр этилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси ногиронлиги борлар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилишига ёрдам беради. Сайловчиларнинг электорал маданияти ва фаоллигини ошириш, сайлов институтига бўлган ишончни қучайтириш, давлат ҳокимиятини шакллантириш ва конституциявий тамойилларни янги шароитларда амалга оширишнинг ягона замонавий ҳамда демократик механизми эканлига бўлган ишончини мустақамлашдир.

Сайловчиларнинг электорал маданиятини сифат жиҳатидан юксалтириш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

Биринчи вазифа: ташкилотчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқий маърифат тизимини мустақамлаш ҳамда тақомиллаштириш, бу ишларга мақсадга мувофиқ равишда, оммавийлик ва кенг қамровлилик хусусиятини бериш;

Иккинчи вазифа: сайлов жараёнининг турли тоифадаги иштирокчилари, айниқса, ёшларнинг умумий ҳуқуқий ва электорал маданиятини ошириш;

Учинчи вазифа: оммавий ахборот воситалари билан ишлашни тақомиллаштириш, уларнинг сайлов жараёнида ишончли маълумотларни тарқатиш жараёнига жалб қилиш, шунингдек, жамиятда медиа маданиятини юксалтириш;

Тўртинчи вазифа: фуқаролик жамияти институтларини сайлов жараёнининг демократийавиллиги, қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашга ҳамда уларни сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари фаолиятига жалб қилиш. Шу билан бирга, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини хар томонлама ўрганиш орқали аҳолининг фаоллиги ва уларнинг давлат аҳамиятидаги қарорларни қабул қилишга жалб этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. (масалан regulation.gov.uz портали ёки "Менинг фикрим" орқали);

Бешинчи вазифа: янги ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-ҳуқуқий таълим ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси сайловчиларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш кафолатларини таъминлаш, ватанпарварлик ва масъулият туйғусини мустақамлаш, жамиятдаги сиёсий барқарорлик ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ёрдам беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш жараёни хали тўлиқ тугамаган. Эеро, жаҳон амалиёти шунч қўрсатмоқдаки, деярли хар бир сайлов кампанияси янги муаммоларни очиб қўрсатмоқда. Биз тақлим қилинган у ёки бу ўзгаришларни тўпланган таърибадан фойдаланган ҳолда қандай қўлланилишини прогностлаштириш талаб этиладиган ривожланиш босқичида турибмиз.

Сайлов ташкилотчилари қонунларни яқши қилиши ва уларга мувофиқ ишлаб олишлари керак. Бунга, бошқа нарсалар қатори, аҳолининг сайлов маданиятини ошириш бўйича Ўзбекистон парламенти томонидан тайёрланган Миллий ҳаракат дастури ёрдам бериши зарур. Мухими — сайловларни ўтказишда касбий ҳуқуқнинг ўсишига интилиш, қонунга унинг мазмуни ва моҳиятига мувофиқ хизмат қилиш.

Умуман олганда, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва амалиётини демократлаштиришнинг уч босқичи жамият-иқтисодий сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда маънавий янгилашни ва мамлакатни модернизация қилишнинг кенг қўламли ҳамда динамик жараёнлари билан биргаликда, қуйидагиларга:

Биринчидан, ҳақиқий кўп партиявийлик тизимини юқори даражада ривожлантириш ҳамда мустақамлашга. Мамлакатда соғлом партиялараро рақобат ва барча партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шароитлар яратилган ҳамда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларини адолатли тақсимлаш, овоз беришнинг ҳалол ва қонуний бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар қўрилган. Бошқача айтганда, навбатда Президент сайлови кўп партиявийлик, номзодлар рақобати, очкилик, фикр эркинлиги ва чинакам танлов шароитида ўтказилади, деб таъкидлаш учун барча асослар мавжуд;

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари, волонтерларнинг сайловларда иштирок этишидаги ўрни ва имкониятларини кенгайтириш, одамларнинг фуқаролик масъулияти ҳамда сиёсий-ижтимоий фаоллик даражасини ошириш билан бир қаторда, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий илохотлар натижаларини талабчанлик билан баҳолашга;

Учинчидан, Ўзбекистонда партиялар ва нодавлат ноҳижарат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари учун сайлов кампанияси давомида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун барча зарур ҳуқуқий шароитларни яратишга;

Тўртинчидан, сайлов жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг кенгайтиришга ва уларни ҳуқуқий тартибга солишга олиб қлади;

Бешинчидан, коронавирус пандемияси инсон ҳаётининг барча жаҳбасига ўзгаришлар киритди. Бир қатор мамлакатларда сайловлар бекор қилинди ёки қолдирилди. Энди сайловлар янги шароитда бўлиб ўтмоқда, биринчи марта одамлар сайлов участкаларига антитест таълимлардан фойдаланган ва қатъий равишда ниқоб таққан ҳолда келиши талаб этилмоқда.

Пандемия шароитида сайлов жараёнини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчиси, сайловларнинг умумий ташкил этишга қаратилган. Бу бинолар, контактсиз термометрия, одамлар оқимини тартибга солиш, ижтимоий масофа сақлаш, ниқоб режимида рияз қилиш, дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ чора-тадбирлар;

Иккинчиси, сайловчиларга қўйилган талаблар, хусусан, ниқоб тақшга, антисептик воситалардан фойдаланишга, масофани сақлаш билан боғлиқ, учинчиси эса, сайлов кунини доимий равишда сайлов участкаларида бўладиган сайлов жараёнининг иштирокчиларига — сайлов комиссиялари аъзолари, кузатувчилар ва ишончли вакилларга тегишлидир.

Дарҳақиқат, сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг самарали механизмига айланиб, унинг изчиллиги ва сиёсий барқарорлигини таъминлайди.

Акмал САИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 969 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-55-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. НАВБАТ МУҲАРРИР — Д. Улмуҳуров. МУСАҲҲИХ — Ш. Машраббев. "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.05 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6